

**ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР, МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА  
АМАЛИЙ ИНТЕГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ**

**Арисланбаева Зоя Ерназаровна** – фалсафа фанлари номзоди, доцент

[arislanbaeva.zoya@gmail.com](mailto:arislanbaeva.zoya@gmail.com)

**Кудайбергенова Бибиайша Базарбаевна** – доцент

[kudaibernovabibiaysa@gmail.com](mailto:kudaibernovabibiaysa@gmail.com)

Ўзбекистон давлат санъат ва мадания институти

**НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ, ФИНАНСИРОВАНИЕ И ВОПРОСЫ ПРАКТИЧЕСКОЙ  
ИНТЕГРАЦИИ В СОВРЕМЕННОЙ СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ**

**Арысланбаева Зоя Ерназаровна** – кандидат философских наук, доцент

**Кудайбергенова Бибиайша Базарбаевна** – доцент

Государственный институт искусств и культуры Узбекистана

**SCIENTIFIC RESEARCH, FUNDING, AND ISSUES OF PRACTICAL INTEGRATION IN THE  
MODERN EDUCATION SYSTEM**

**Aryslanbaeva Zoya Ernazarovna** – Candidate of Philosophy, Associate Professor

**Kudaibergenova Bibiaysha Bazarbaevna** – Associate Professor

State Institute of Arts and Culture of Uzbekistan

**Таянч сўзлар:** илмий тадқиқотлар, молиялаштириш, давлат грантлари, халқаро лойиҳалар, университет грантлари, инновациялар, Ўзбекистон, интеллектуал капитал, самарадорлик.

**Резюме.** Мақолада Ўзбекистонда илмий тадқиқотларни молиялаштириш тизими ва унинг замонавий шароитлардаги самарадорлиги кўриб чиқилади. Молиялаштиришнинг асосий манбалари, жумладан давлат грантлари, халқаро лойиҳалар ва ички университет дастурлари таҳлил қилинади. Интеллектуал капитални ривожлантириш ва таълим тизимини модернизация қилишда илмий тадқиқотларнинг ролига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, илм-фанни молиялаштиришнинг мавжуд муаммолари кўриб чиқилади ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари таклиф этилади.

**Ключевые слова:** научные исследования, финансирование, государственные гранты, международные проекты, университетские гранты, инновации, Узбекистан, интеллектуальный капитал, эффективность.

**Резюме.** В статье рассматривается система финансирования научных исследований в Узбекистане и её эффективность в современных условиях. Анализируются основные источники финансирования, включая государственные гранты, международные проекты и внутренние университетские программы. Особое внимание уделяется роли научных исследований в развитии интеллектуального капитала и модернизации системы образования. Также рассматриваются существующие проблемы финансирования науки и предлагаются пути повышения эффективности использования финансовых ресурсов.

**Key words:** scientific research, funding system, state grants, international projects, university grants, innovation, Uzbekistan, intellectual capital, effectiveness.

**Summary.** The article examines the system of research funding in Uzbekistan and its effectiveness under modern conditions. It analyzes the main sources of financing, including state grants, international projects, and internal university funding programs. Special attention is given to the role of scientific research in developing intellectual capital and modernizing the education system. The paper also discusses existing challenges in research funding and proposes ways to improve the efficiency of financial resource utilization.

Бу масала бугунги кунда давлатнинг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади, чунки гуманитар фанлар жамиятнинг маданий, маънавий ва интеллектуал тараққиётини белгилаб берувчи асосий омиллардан биридир. Янги Ўзбекистон шароитида ижтимоий-гуманитар фанларнинг аҳамияти (фалсафа,

социология, тарих, педагогика, сиёсатшунослик ва бошқалар) жуда муҳим вазибаларни бажаришда намоён бўлмоқда. Жумладан, бу фанлар жамиятда фуқаролик онгини шакллантириш, миллий ва умуминсоний кадриятларни мустаҳкамлаш, ёш авлодни маънавий ва интеллектуал жиҳатдан

ривожлантириш, шунингдек, давлат сиёсатини илмий асослашга хизмат қилади. Манбаларда таъкидланишича, Янги Ўзбекистонда таълим тизими “интеллектуал капитал”ни шакллантиришга йўналтирилган. Шунингдек, давлат ислохотлари ва стратегиялар доирасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг сифатини ошириш, илмий-тадқиқот ишларига эътиборни кучайтириш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу йўналишлар ижтимоий-гуманитар фанларни замонавий стандартлар асосида ривожлантириш ва улар орқали долзарб ижтимоий муаммоларга самарали ечим топиш имконини беради.

Асосий муаммолардан бири — илмий тадқиқотларнинг етарли даражада молиялаштирилмаслигидир. Шу нуқтаи назардан, Янги Ўзбекистон шароитида илмий тадқиқотларни молиялаштиришга доир амалий мисолларни келтириш мумкин.

Биринчидан, халқаро грантлар муҳим молия манбаи ҳисобланади. Ўзбекистонда илмий лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда халқаро ташкилотлар грантлари алоҳида ўрин тутди. Масалан, “MUNIS” лойиҳаси (Жаҳон банки иштирокида) доирасида тадқиқотчиларга 100 000 – 600 000 АҚШ долларигача грантлар ажратилади. Ушбу маблағлар лаборатория жиҳозлари, илмий ускуналар ва тадқиқот ишларини амалга ошириш учун сарфланади. Бу эса илмий фаолиятни давлатдан ташқари йирик халқаро молиявий манбалар орқали қўллаб-қувватлаш имконини яққол намоён этади.

Иккинчидан, давлат грант дастурлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда давлат томонидан мунтазам равишда танлов асосида молиялаштириш амалга оширилади. Масалан, Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан ўтказиладиган танловлар орқали фундаментал ва амалий тадқиқотлар учун 300 миллион сўмгача (тахминан 24 000 АҚШ доллари) грантлар ажратилади. Бу маблағлар университетлар ва илмий марказларга янги технологиялар яратиш ҳамда илмий салоҳиятни ошириш имконини беради.

Яна бир муҳим масала — университет ички грантлари ҳисобланади. Йирик олий таълим муассасалари ҳам ўз ички ресурслари ҳисобидан илмий тадқиқотларни молиялаштиради. Масалан, New Uzbekistan University (NewUU) ички грант дастури доирасида ҳар йили танлов асосида илмий лойиҳалар молиялаштирилади. Ушбу дастур

доирасида сунъий интеллект, экология ва муҳандислик соҳаларидаги тадқиқотлар қўллаб-қувватланади. Бу модель университет ичида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, халқаро ҳамкорлик доирасидаги қўшма илмий лойиҳалар ҳам муҳим ўрин тутди. Илмий тадқиқотлар бошқа давлатлар билан ҳамкорликда биргаликда молиялаштирилиши мумкин. Масалан, “Ўзбекистон–Хитой” қўшма грант дастури биотехнология, энергетика ва тиббиёт соҳаларидаги лойиҳаларни икки давлатнинг умумий маблағлари ҳисобидан амалга ошириш имконини беради.

Илмий инфратузилмани молиялаштириш масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Айрим грант дастурлари фақат тадқиқот жараёнини эмас, балки лабораторияларни барпо этиш ва замонавий инфратузилмани ривожлантиришни ҳам қамраб олади. Масалан, PRIM дастури доирасида лабораториялар ташкил этиш, илмий ускуналар харид қилиш ҳамда илмий марказларни модернизация қилиш ишлари амалга оширилади.

Умуман олганда, илмий тадқиқотларни молиялаштиришга доир мисоллар шуни кўрсатадики, давлат грантлари асосий базавий молия манбаи сифатида хизмат қилади; халқаро лойиҳалар йирик молиявий ресурслар ва инновацион имкониятларни таъминлайди; университет ички грантлари эса ички рақобат муҳитини кучайтириш ва инновацион ғояларни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, муҳим муаммолардан бири — амалиёт ва назария ўртасидаги узилиш ҳисобланади. Янги Ўзбекистон шароитида ушбу муаммони бартараф этиш бўйича қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

1. **Таълим жараёнини амалиёт билан интеграция қилиш.** Назарий билимлар реал ҳаётдан узоқ бўлиб қолмаслиги учун ҳар бир фан бўйича амалий машғулотлар улушини ошириш, кейс-стади (case study) усулларини кенг жорий этиш ҳамда реал муаммолар асосида топшириқлар бериш зарур.

2. **Университет ва ишлаб чиқариш ўртасида ҳамкорликни кучайтириш.** Олий таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқликни таъминлаш мақсадида талабаларни мажбурий амалиётга жалб этиш, корхоналарда кафедра филиалларини очиш ҳамда иш берувчиларни ўқув дастурларини ишлаб чиқиш жараёнига фаол жалб қилиш лозим.

3. **Илмий тадқиқотларни реал муаммоларга йўналтириш.** Грант дастурлари

асосан амалий натижа берувчи лойиҳаларга қаратилган бўлиши, давлат идоралари билан ҳамкорликда тадқиқот мавзулари шакллантирилиши ва жамиятдаги долзарб муаммолар асосида илмий ишлар олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

**4. Рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш.** Симуляция дастурлари ва виртуал лабораториялар, онлайн таълим платформалари ҳамда рақамли таълим ресурслари орқали назарияни визуал ва интерактив шаклда тушунтириш амалиётга яқинлаштиради.

**5. Ўқитувчилар малакасини ошириш.** Ўқитувчиларни ишлаб чиқариш амалиётига ва стажировкаларга юбориш, халқаро тажриба алмашинуви дастурларида иштирокини таъминлаш ҳамда замонавий методикалар

бўйича мунтазам тренинглар ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

**6. Талабаларнинг амалий фаоллигини ошириш.** Университетларда стартап инкубаторлар ташкил этиш, амалий лойиҳалар учун мини-грантлар жорий қилиш ва “бир талаба — бир лойиҳа” тамойилини татбиқ этиш талабаларнинг амалий кўникмаларини ривожлантиради.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу таклифлар амалиёт ва назария ўртасидаги узилишни бартараф этишга хизмат қилади ҳамда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришни ягона тизим сифатида интеграция қилиш имконини яратади. Бу эса ёш кадрларни бозор талабларига мос, рақобатбардош ва инновацион фикрлайдиган мутахассислар сифатида тайёрлашга хизмат қилади.

#### **Фойдаланган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент, 2021. – 320 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент, 2017. – 104 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. – Тошкент, 2019. – 56 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар маркази. Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш стратегияси. – Тошкент, 2020. – 88 б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
6. World Bank. Uzbekistan Higher Education Modernization Project Report. – Washington, D.C., 2023. – 190 p.